

МАҚОЛЛАР ВОСИТАСИДА ЯПОН ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

О.Ф. Ачилова

СамДЧТИ ўқитувчиси

Мақоллар вақт ўтиши билан кишиларнинг ҳаётий кузатишлари, тажриба ва билим алмашишлари орқали сайқалланиб боради. Эътиборлиси шундаки, аксарият мақоллар ихчам кўринишга эга бўлиш билан бир қаторда, ёдда сақлаш осон бўлса, яна айримлари инсон нутқида қўлланилиши ноодатий бўлган ғализ сўзлар иштирокида ифодаланиши билан хусусиятланади. Бу турдаги мақоллар маълум миқдорда ҳақиқатнинг қайсидир томонини кескин кўрсатиб бераиш ёки инсонни номақбул ҳаракатларни бажармасликка ундош хусусиятига эга бўлган мақоллар сифатида нутқимизда фаоллашади. Шу сабабли, кўп ҳолларда сўзловчининг мулоқотдан кўзлаган мақсадини ойдинлаштиришда таяниладиган далилларнинг ишончлилигини ошириш учун самарали восита сифатида мақолларга мурожаат қилинади.

Ер юзида инсоният мавжуд бўлган ҳар бир макон ўзига хос географик муҳити, маданий тупроғи ва бетакрор урф - одатлари - ю, дунёқарашлари, шунингдек, ҳаётий кечинмаларига эга бўлиб, мана шу омиллар асосида ўша халқ вакилларининг ўзлигини очиб берувчи мақоллари шаклланади ва ривожланади. Кишилар ўзлари истиқомат қилаётган жамиятда эга бўлган хусусиятлар, чунончи, ўзбек ва япон халқининг турли хил ҳаётий воқеа - ҳодисалар, табиат ҳодисалари, одамларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги фикрлари ва уларнинг миллий қадриятлари ҳамда хулқ - атвор намуналари айнан мақолларда ўз аксини топган [1;98] .

Ўзбек ва япон халқига хос бўлган анъаналар, удумлар ва шарқона урф - одатларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ўзгаришларини ўрганиш нуқтайи назаридан ҳам ушбу халқларнинг мақолларини қиёслашда тил ва маданият уйғунлигини турли томонлардан ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, “Мақоллар кундалик ҳаётдан келиб чиққан ҳаётий ҳикматдир” [6;57], бироқ, ушбу ҳаётий тажрибалар асосида пайдо бўлган доноликни ифодаловчи иборалар ҳар доим ҳам биз истаганимиздек эзгу амалларга ундаш мазмунида назокатли сўзлардангина таркиб топган жумлалар кўринишида зоҳирланиб қолмасдан, балки айёрлик, ёвузлик ёки худбинлик каби салбий бўёқдорликка эга бўлган ҳаракатларни танқид қилиш мақсадида фаоллашувчи ғализ сўз ва жумлалар иштирокида воқеланадиган мақоллар ҳам учрайди. Масалан:

Ўзбек тилида:

1. *Мохов қошдан гапирар, мечкай ошдан гапирар.*

2. *Нафси бузуқ ҳайитда ўлар, дини бузуқ - масжидда.* [5;293]

Япон тилида: *一杯は人酒を飲む、二杯は酒酒を飲む、三杯は酒人を飲む*

Биринчи пиёлада киши Саке ичади, иккинчисида Саке Сакени ичади, учинчисида эса Саке одамни ичади.

Изоҳ: Саке - кишини сархуш қилиш хусусиятига эга бўлган японлар ичимлиги. Ундан бир пиёла истеъмол қилган киши ўзини яхши назорат қила олади, лекин иккинчи пиёладан кейин кишида тартибсизлик бошланади ва учинчи пиёлада Саке киши танасини тўлиқ егаллаб олади ва ўзини назорат қилолмасдан, кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради. Яъни, кишиларни меъёрга амал қилишга ундаш мазмунига эга бўлган мақол.

Бу турдаги мақоллар оддий халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, даврлар оша кишилар нутқида фаол иштирок этиб келмоқда. Чунки мақоллар жилвали сўзлардан таркиб топадими ёки ғализ ва нохуш сўзлар иштирокида воқеланадими ҳар қандай ҳолатда ҳам жамиятда халқнинг ҳаёт машаққатларини енгиб ўтиши учун тасалли манбаи вазифасини бажариувчи омил сифатида қабул қилиниши етарли даражада қийматга эга.

Мақоллар ҳақида фикр юритар эканмиз, биринчи навбатда, эскида қолган иборалар ва жумлалардан таркиб топган панд - насиҳат қабилидаги даъватларга оид тасаввурлар онгимизда гавдаланади ва кундалик мулоқот матнимизда беихтиёр уларга мурожаат қилинади.

Хусусан, япон мулоқот матнига эътибор қаратадиган бўлсак, матбуотда узатиладиган хабарлар ёки об - ҳаво прогнозлари ҳамда телевизион анимация кабиларда нутқ тасдиғи ёки беағи сифатида сўзловчи томонидан маҳорат билан мақолларга мурожаат қилинган ҳолатларга дуч келишимиз мумкин.

Хусусан, куйидаги мақоллар таҳлили асосида япон халқининг фалсафий дунёқараши ва характерли хусусиятларини ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз: *暑さ寒さも彼岸まで*. [8:78]

Иссиқлик ва совуқлик тенгкунликка қадар.

Изоҳ: Қишнинг узокқа чўзилган изғирини баҳорги тенгкунлик куни (тахминан 20 - март)дан пасаяди, ёзнинг узокқа чўзилган жазирамаси эса кузги тенгкунлик (тахминан 20 - сентябр)дан енгиллашади.

Ушбу мақол қабилида вазият қанчалик оғир бўлмасин, у охир - оқибат паёнига йетади ва уни йенгиб ўтиш имкони пайдо бўлади, деган маънога ишора қилинган ҳолда кишиларни сабр - тоқат ва ҳаёт зарбаларига таслим бўлмасликка ундовчи императив мазмун зоҳирланган.

Мақоллар кундалик диалогик нутқимизда беихтиёр иштирок этиши табиий ҳолатга айланиб улгурган. Мисол учун, кундалик турмуш тарзида мулоқотдошларнинг ўзаро ҳазиломуз суҳбатлари ёки қалтис ўйин ва ҳаракатларини тақиқлаш мақсадида “*Ўйиндан ўқ чиқар*”, “*Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир*” ёки “*Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар*” каби мақоллар қўлланилиши мумкин. Шунингдек, япон мулоқот матнида хушёрликка ундаш қабилидаги 「*後の祭り。*」 (Атоно мацури) “*Сайлдан сўнг*”, 「*後悔、先に立たず。*」 “*Пушаймонни олдинга ўтказиб бўлмас*” каби бир қатор мақолларни таҳлилга тортадиган бўлсак, уларнинг ўзбек миллий характерларини ифодаловчи айрим мақоллар билан муқобилдош эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, “*Сайил ўтгандан кейин хинани ариққа оқиз*” ёки “*Сўнги пушаймон - ўзингга душман*” кабилар.

Дарҳақиқат, ўзбек ва япон мақоллари ўртасида ўзаро яқинлик мавжуд бўлиб, хусусан, умуминсоний хусусиятлар, инсоний ҳис - туйғулар,

ижтимоий, ирқий, маданий ва географик келиб чиқиши бўйича ҳам ушбу қардош халқларга хос хусусиятлардаги уйғунликни англаш мушкул эмас.

Мазмунан эквивалентликка эга бўлган мақолларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўзбек халқ мақолларининг аксарияти, одатда, феълнинг императив шакли билан тўлиқ жумла шаклида воқеланса, аксинча кўпгина япон мақоллари қисқа жумлалар ва ҳаракатга ундовчи феълларнинг қисқартирма шаклида зоҳирланиши эътиборлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алтатов В. М. Япония. Язык и общество. - М.: Наука, 1988.
2. Пермяков. Г.Л. Пословицы и поговорки народов Востока. -М: 1979.
3. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. -Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик коррапарияси Бош таҳририяти, 2005.
4. Абе Кейко (阿部佳子) 疑問命令文について : 関連性理論の立場から//人間文化研究科年報、№ 16. - 奈良女子大学. 2000 .
5. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京 : 1993.
6. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」 東京 : 1962.